



Qashqadaryo

Қашқадарё

Kuch — adolatda

2022-yil 24-fevral, payshanba

№ 008 (15834)

Газета 1925 йил 22 майдан чиқа бошлаган



www.qashqadaryogz.uz



Сотувда келишилган нархда

Бирлашиб, кўчат экиб, боғ яратайлик!



Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 1 мартидан бутун мамлакатимизда "Яшил макон" лойиҳаси доирасидаги "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди.

Ўз навбатида биз ҳам баҳор оstonасида вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси ён-атроф хушманзара бўлишига ҳисса қўшишини хоҳлаймиз.

Бинобарин, кўчат экиш, гулу ниҳолларни кўпайтириш бу мусаффолик, экологик муҳит софлиги ҳамда она табиатга ғамхўрлик ва инсонийликнинг юксак намунасидир!

Энг муҳими, шу тоза ҳаводан ўзимиз, оила аъзоларимиз, бордингки келажақда нева-эвараларимиз нафас олади. Шу нуқтаи назар билан ёнига фарзанди, невараларини олиб кўчат эккан ҳамюртимиз эса уларга ибрат бўлади, қадриятларимиз бардавом бўлишини таъминлайди.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муротжон Азимовнинг воҳа аҳлига мурожаатидан

Қиш ойларида томорқасидаги иссиқхонада 10 минг донга полиз экин кўчатларини етиштирган Ўтамайли қишлоғилик ёш ишбилармон Солиҳ Ражабов апрель ойининг охири - май ойининг бошида юртдошларимиз дастурхонига қип-қизил ва хуштаъм тарвузлар етказиб беришни ният қилган.

Мана икки йилдирки Чироқчининг мазкур ҳудудида эртачи полизчилик билан мустақил шуғулланаётган бу деҳқон йигитнинг айтишича, Голландиянинг "Nunhems" компания-

си томонидан яратилган тарвузнинг эртапишар "Dolby" дурагайи уруғлари ўтган йилнинг 20-25 декабрь кунлари кичик иссиқхонада экилган эди. Узунлиги 13 метр, эни эса

ЧИРОҚЧИНИНГ ЭРТАЧИ ТАРВУЗЛАРИ:

уруғи декабрда, кўчати январь ва февралда экилади, ҳосили апрель-майда пишиб етилади



Суратларда: Ўтамайли қишлоғида Солиҳ Ражабов томорқасида эртачи тарвуз кўчатлари экиш жараёнидан лавҳалар.

Собир НАРЗИЕВ олган суратлар.



6 метрга тенг "парник"да маҳаллий ўғит билан тўйинтирилган тупроқ солинган махсус стаканчаларда етиштирилган кўчатларнинг бир қисми январь ойининг охирида катта иссиқхонага кўчирилди.

- Уч ҳафта олдин "теплица"га ўтказилган бу кўчатлардан, насиб бўлса, апрелнинг 25 ларида пишган тарвузлар олишни мўлжаллаяпмиз, - дейди Солиҳ Ражабов айримлари гуллаб бошлаган полиз экинларини кўрсатиб. - Ҳозир "дуғали парник"ларда плёнка остида экилаётган кўчатларнинг ҳосили

эса 10-15 майга бориб пишиб етилади. Ўзингиз биласиз, апрель-май ойларида тарвузнинг ички бозорда ҳам, хорижда ҳам нархи анча юқори бўлади. Ўтган йили 1,2 гектарда етиштирилган маҳсулотларни 120 миллион сўмга сотган эдик. Бу йил эса 1,5 гектар ерга тарвуз кўчатлари экиб, янада кўпроқ ҳосил ва даромад олишни кўзлаяпмиз. Нархи тўғри келса, экспорт қиламиз. Ички бозорда талаб катта бўлса, ўтган йилгидек Тошкент ва Самарқандда сотамиз.

(Давоми 2-бетда).

Алла айтган тил алдов гапларни қандай сўзлади?

Кейинги пайтларда фирибгарликка оид жиноятлар кўп учраётгани ҳеч кимга сир эмас. Нега, ўзгани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш шунчалик осон бўлиб қолдими ёки "пихини ёрган"лар кўпайдими?

Қилмиш-қидирмиш



қилиб юрган қилмишлари аёлга, айниқса ўзбек аёлига умуман хос эмас.

Аниқланишича, З.Х. ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш борасида анча устаси фаранг экан. Хусусан, у 2020 йил 20 октябрь куни "Муборак деҳқон (озиқ-овқат) бозори"-даги И.П.нинг савдо дўконига бориб, "Атлант 2808" русумли музлатгични 4 миллион 100 минг сўмга савдо қилади. Шундан 1 миллион сўмини тўлов қилиб, турмуш ўртоғи газни қайта ишлаш заводида, ўғли хорижий қурилиш компаниясида ишлаши, улар маош олишлари билан, узоғи 70 кунда қолган пулни ҳам етказишини айтиб, маиший техникани олиб кетади ва аёнки ваъдасининг устидан чиқмайди.

Агар биргина шу ҳолат бўлганда: ҳа, бир кутилмаган вазият бўлиб қолгандир-да, деган фикрга бориш мумкин эди. Афсуски, бу аёл бошқа "хунар"лар ҳам кўрсатган. Яъни жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2021 йилнинг март ойида тумандаги Ёшлик маҳалласида яшовчи С.Б.ни чув туширган. Унга қизининг тўйини қилаётгани, шунга тилла тақинчоқлар харид қилиши, автомашинасини сотгач, бир ҳафтада пулни беришини айтиб, алдов йўли билан жами 13 миллион 240 минг сўмлик ҳар хил турдаги қимматбаҳо безак буюмларини қўлга киритади. Келишилган суммадан 1 миллион 500 минг сўмини тўлаб, қолган пуллари 11 май кунига қадар бериши ҳақида тилхат ҳам ёзиб берган. Аммо...

Текиннинг таъмини тотган З.Х. энди ўзига аввалдан таниш бўлган О.Т. ишончига кириб, унинг тикувчилик цехидан насияга жами 4 миллион 622 минг сўмлик товарларни олиб, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланган. Бу ҳолатда ҳам худди аввалгилари каби келишилган вақтда пулдан дарак йўқ.

Бундан ташқари, фирибгарликка анча қўли келишиб қолган аёл 2021 йилнинг апрель ойида ҳудуддаги Ёшлик маҳалласида яшовчи таниши О.Х. хонадонига бориб, уйининг кадастр ҳужжатларини гаровга қўйган ҳолда 6 миллион сўм пул олган ва қайтаришни хаёлига ҳам келтирмай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Жорий йил 18 январь куни жиноят ишлари бўйича Муборак тумани судида З.Х. қилмишларига оид жиноят иши кўриб чиқилди. Жараёнда у Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини олди.

Алишер КАХҲАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Муборак тумани суди раиси

Аҳоли тўғрисидаги ишончли ва холис ахборотлар нималарда асқатади?

Аҳолини рўйхатга олиш - мамлакат бўйича ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган мақсадли тадбир бўлиб, белгиланган муддатда аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ҳамда якуний маълумотларни тарқатиш ва фойдаланишнинг даврий жараёни ҳисобланади.

Шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари белгилаб олинади, демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогнозлаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва холис ахборотлар шаклланади.

Умуман, аҳолини рўйхатга олишдан кўзланадиган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:


- аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ва дастурларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатга олиш даври оралиғидаги аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Ўткир ЖҲРАЕВ,
Қарши тумани статистика бўлими бош мутахассиси



Мутахассис минбари

Ҳаракатдаги инсон ҳар куни ўнлаб саволлар билан рўбарў келади. Қайсигадир йўл-йўлакай жавоб топади, яна қайсинидир тагига етиш учун китоб титкилаш, қонунларни ўқиш керак. Энг осон чораси эса тегишли мутахассисга юзланиш.

Шу нуқтаи назар билан кундалик турмуш тарзимизда кўп учрайдиган қуйидаги саволларга мутахассислардан жавоб олдик.

Яроқлилиқ муддати ўтган товарларни сотганлик учун қандай жавобгарлик бор?

- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддаси саккизинчи қисмида белгилаб қўйилганидек, яроқлилиқ муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлик - ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий



жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этиш - ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Олим БҲРИЕВ,
вилоят адлия бошқармасининг бўлим етакчи маслаҳатчиси

Оилавий боғчаларга Давлат бюджетидан қандай мақсадлар учун субсидиялар ажратилади?

- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги тегишли қарори билан Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида Низом тасдиқланган. Унинг 40-бандида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига: ёлланган (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида - 2 нафаргача, бошқа ҳудудларда - 4 нафаргача) тарбиячи ва ёрдамчи хизматларга тегишли тоифа бўйича қисқа муддатли ёки



9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга тўланадиган ҳаққа тенг шартларда ва ҳажмларда иш ҳақи тўлаш; давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатла-

ниш, юмшоқ инвентарь ва дори-дармонларга ажратилаётган миқдорларда харажатларни қоплаш; боқувчисини йўқотган аёллар фарзандларининг ота-оналар бадали тўловларини тегишли ҳудуддаги 9 соатлик давлат мактабгача

таълим ташкилотлари учун белгиланган миқдорларда қоплашга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажрати-лиши белгилаб қўйилган.

Ҳамза АЧИЛОВ,
Муборак тумани адлия бўлими бошлиғи

Жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқинганлик, ўзгани ҳақорат қилганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасига кўра, майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Зафар ХҲЖАМОВ, Муборак тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Қандай ҳолатлар никоҳ тузишга монелик қилади?

- Маълумки, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади. Шу билан бирга никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги талаблар Оила кодексини ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, Оила кодексининг 16-моддасига кўра, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар орасида никоҳ тузилиши мумкин эмас. Яъни, бизда ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин. Бу талабнинг бузилиши никоҳ ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

Яна насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар орасида тузилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди.

Бу тақиқ халқимизга хос ахлоқий қоида-



фик эмас. Қариндошлик никоҳи туфайли кўпинча нимжон, жисмоний носоғлом, нуқсонли, майиб болалар дунёга келади.

Шунингдек, лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, бундай шахслар ўз қилмишларининг оқибатига тўлиқ жавоб бера олмайдилар. Бу қонданнинг белгиланиши никоҳланувчилар ихтиёрий ва хоҳишига кўра никоҳ тузиши тамойилига асосланган.

Замонбек ЭЛМУРОДОВ,
Чирокчи тумани 2-сонли ФХДБ бўлими 1-тоифали инспектори

